Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 178 (20. 745) • 1990 йил 7 август, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

1990 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШДА КОЛХОЗЧИЛАР ВА СОВХОЗ ИШЧИЛАРИНИНГ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта ҳосилини сифатли ва нес-нобуд қилмай, асосан колхозлар ва совхозларнинг ўз кучлари билан вақтида териб олишни таъминлаш мақсадида қарор қабул қилди. Қарорда қуйидагилар кўзда тутилади:

Ҳосилни тезроқ ва сифатли йиғиштириб олишнинг моддий омилларини вужудга келтириш учун колхозлар ва совхозларга иш ҳақининг белгиланган фонди доирасида, шунингдек пахта ҳосили харид нархларига қўшимча ҳақ тарзида олинадиган маблағларнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳисобига қуйидаги миқдорда ҳақ тўлаш тавсия этилади:

Машинада терилган бир тонна пахта учун — 10 сўм;

қўлда терилган бир килограмм кондицион пахта учун — 25 тийин.

Йиғим-терим ишларида банд бўлган кишилар билан ҳар куни, беш кунда бир марта ва ўн кунда бир марта ҳисоб-китоб қилишни синаб кўриш тавсия этилади.

Ўзбекистон Давлат банки ва Ўзбекистон Агросаноат банки ҳосилни йиғиштириб олишда меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоб-китоблар учун хўжаликларга ўз вақтида нақд пул берилишини таъминлашлари зарур.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва вилоят ижроия комитетлари пахта териш техникасини ремонт қилишни, механизатор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни белгиланган муддатда тугаллаш, шунингдек ялпи ҳосилнинг камида 60 фоизи механизация ёрдамида йиғиштириб олинишини таъминлаш юзасидан барча бошқа тадбирларни кўришлари керак.

Қарорда олий ўқув юртлари талабаларини ва махсус ўқув юртлари ўқувчиларини, шунингдек шаҳарлар ва район марказларида ишчилар ва хизматчиларни Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва вилоят ижроия комитетларининг қарорларига биноан хўжаликларнинг ўз кучлари тўла сафарбар этилган фавқулодда ҳолатлардагина ҳосил теримига жалб этишга йўл қўйилиши кўзда тутилади. Ана шу меҳнат ресурслари хўжалик шартномаси асосида жалб этилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг фармойиши

Иттифоқ шартномасининг негизи сифатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифоқ дастури концепциясини тайёрлаш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти билан РСФСР Олий Советининг Раиси Б. Н. Ельцин, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков ва РСФСР Министрлар Советининг Раиси И. С. Силаев ўртасидаги ўзаро аҳдлашувга биноан қуйидаги тадбирлар кўрилсин:

1. Иттифоқ шартномасининг негизи сифатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифоқ дастури концепциясини тайёрлаш учун С. С. Шаталин, Н. Я. Петраков, Л. И. Абалкин, Г. А. Явлинский, А. П. Вавилов, Л. М. Григорьев, М. М. Задорнов, В. А. Мартинов, В. М. Машчица, А. Ю. Михайлов, Б. Г. Федоров, Н. П. Шмелев, Е. Г. Ясиндан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилсин.

Гуруҳ таркибига Иттифоқдош республикалар ҳукуматларининг мухтор вакиллари киритилсин.

Зарурат бўлиб қолганда концепцияга оид ишда қатнашиш учун ўзлари ишлаб турган муассасалар ва идоралардан қатъи назар, олимлар ва мутахассисларни жалб этишга рухсат берилсин.

2. Ишчи гуруҳга 1990 йилнинг 1 сентябридан кечикмай дастур концепциясини тайёрлаш топширилсин.

3. Барча министрликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар зиммасига ишчи гуруҳ ихтиёрига чекланмаган тарзда ҳамма зарур иқтисодий ва бошқа махсус ахборотни тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. СССР Президенти билан РСФСР Министрлар Совети аппарати ишлар мудирликларига ишчи гуруҳига техник хизмат кўрсатишни таъминлаш топширилсин.

СССР Президенти ва РСФСР Олий Советининг Раиси гуруҳ ишини бевосита назорат қилиб турадилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 2 август.

ССР Министрлар Советида

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ АҲЛИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида» 1990 йилнинг 31 июлида матбуотда эълон қилинган Фармонига мувофиқ республика Министрлар Совети мазкур масала юзасидан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонида таъкидланганидек, мазкур дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги шаҳар ва қишлоқнинг ижтимоий фаровонлиги даражасидаги катта номутаносиблик ҳамда шаҳар билан қишлоқ аҳолиси турмуш шароити тобора фарқ қилаётганлиги билан боғлиқдир. Қишлоқда тўпланиб қолган кўпгина ижтимоий муаммолар орасида қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш энг ўткир масалалар ҳисобланади.

Республика ҳукумати ана шу вазиятни ҳисобга олиб, ўзининг келажакдаги фаолияти дастурида қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш муаммосини асосий вазифа сифатида белгилади, қабул қилинган қарор эса ана шу йўналишда ташланган дастлабки энг катта қадамлардандир.

Қарорда Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун 1990—1992 йилларда қишлоқ жойларда 14,7 минг километр сув қувури ҳамда тақсимлагич сув қувури тармоқларини қуриш режалаштирилмоқда. Шу даврда ишларнинг ўртача йиллик суръати 1989 йилда эришилган даражага нисбатан 3 марта ортади, қишлоқ аҳолисидан яна 1,7 миллион киши марказлашган сув таъминотидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Қишлоқ жойларида марказлашган сув таъминоти кенг ривожлантирилиши билан бирга, қишлоқ аҳлининг қолган қисмини ҳам мустақил сув таъминоти қурилмаларини ўрнатиш, чучуклаштириш қурилмаларини ўрнатиш ҳисобидан яхши сифатли ичимлик сув билан таъминлаш чоралари назарда тутилмоқда.

Жумҳурият бир қанча минтақалари учун қўшимча равишда сифатли ичимлик сув ресурсларини излаш муаммолари ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига қисқа муддатда мазкур муаммо юзасидан техникавий-иқтисодий маълумотномани тайёрлаш топширилди. Техникавий-иқтисодий маълумотноманинг қоидалари қишлоқ аҳоли пунктларини бундан кейин сув билан таъминлаш ва уларга сув олиб боришни янада ривожлантириш ҳамда республика барча минтақаларини ичимлик сув таъминоти муаммосини тубдан ҳал қилишнинг асоси бўлиши керак.

Оролбўйида ичимлик сув билан таъминлашда айниқса кескинлик юзага келганлиги сезилмоқда. Шу муносабат билан сув қувурлари тармоқларини қуриш дастурига мувофиқ, бу ерга ана шу ишларни жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Мазкур дастурни бажаришда асосий юк республика яйлов мелиорация-қурилиш бирлашмаси зиммасига тушади. Бирлашма кўрсатилган вақт ичида 8,7 минг километр сув қувурини ётқизиши ёки барча ишлар ҳажмининг 59 фоизини бажариши керак бўлади. Бунда унга маблағ ва ресурсларни алоҳида банд билан ажратиш режалаштирилмоқда, унинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилди. Мазкур бирлашма зиммасига буюртмачи ҳамда сув таъминоти ва канализация иншоотларини лойиҳалаштирадиган ва қурадиган бош пудратчи вазифаси юкланади, унга республиканинг барча вилоятларида лойиҳа институтининг бўлим ва бўлинмаларини ташкил этиш топширилган. «Аралсельхозводопроводстрой» лойиҳа-қурилиш бирлашмаси Қорақалпоғистон ҳудудида қисқа муддатда ишларни кенг авж олдириши ва 1990—1992 йилларда 5 минг километр сув қувури тармоқларини фойдаланишга топшириши керак.

Илгари қурилган қишлоқ сув қувурларининг техникавий аҳволини яхшилаш мақсадида республика министрликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва вилоят ижроия комитетларига уларни пухта рўйхатдан ўтказиб ҳамда ана шу қувурларни ремонт қилиш ва таъмирлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Ичимлик сув билан таъминлаш манбаларини айниқса авайлаб асрашни талаб этади. Шу муносабат билан қарорда ер ости чучук сувлари ва вилоят ижроия комитетлари пахта териш техникасини ремонт қилишни, механизатор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни белгиланган муддатда тугаллаш, шунингдек ялпи ҳосилнинг камида 60 фоизи механизация ёрдамида йиғиштириб олинишини таъминлаш юзасидан барча бошқа тадбирларни кўришлари керак.

Қарорда олий ўқув юртлари талабаларини ва махсус ўқув юртлари ўқувчиларини, шунингдек шаҳарлар ва район марказларида ишчилар ва хизматчиларни Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва вилоят ижроия комитетларининг қарорларига биноан хўжаликларнинг ўз кучлари тўла сафарбар этилган фавқулодда ҳолатлардагина ҳосил теримига жалб этишга йўл қўйилиши кўзда тутилади. Ана шу меҳнат ресурслари хўжалик шартномаси асосида жалб этилади.

ССР Министрлар Советида

ҲОСИЛНИ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК ВА САҚЛАЙЛИК

3 август куни СССР Министрлар Совети шу йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олишнинг кечиктириб бўлмайдиган масалалари юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилди. Қуйида ана шу ҳужжатларнинг тўла матнлари эълон қилинмоқда.

1990 ЙИЛГИ ҲОСИЛ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети бу йил ҳамма жойда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилганлигини таъкидлайди. Бироқ, ўрим-йиғим ишлари транспорт воситалари ва механизаторлар ресурслари етишмаётганлиги туфайли суст олиб бориляпти. Волгабўйи, Урал, Ғарбий Сибирь ва Қозоғистоннинг кўпгина ғаллакор минтақалари, шунингдек сабзавотчилик ва картошкачилик хўжаликлари айниқса қийин аҳволда қолди. Ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишни ва унинг сақланишини таъминлаш мақсадида СССР Министрлар Совети **қарор қилади:**

1. СССР Министрлар Совети доимий органларининг раҳбарлари, СССР Министрлари ва СССР давлат комитетлари раислари донли ва озуқа экинларини, қанд лавлаги, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олишда колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига зарур ёрдам бериш мақсадида идораларга қарашли корхоналар ва ташкилотлардан ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларни ўрим-йиғим ишларига юборишни зудлик билан йўлга қўйсинлар. Қилинган ишларнинг натижалари тўғрисида 7 кунлик муддат ичида СССР Министрлар Советига маълум қилинсин.

Корхоналар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарлари ва қишлоқ хўжалиги бошқа ташкилотлари ўрим-йиғим ишларига жалб этиладиган ишчи ва хизматчиларни қўшимча равишда рағбатлантиришга оид аниқ-равшан қарорлар қабул қилсинлар ва бунда меҳнатга ҳақ тўлашнинг натура шаклини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берсинлар.

СССР Министрлар Советининг Озиқ-овқат ва харид давлат комиссияси, иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари ҳосилни ўриб-йиғиб олиш билан боғлиқ юзага келадиган масалалар тез ҳал этилишини таъминласинлар.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг бу йилги ҳосилини ташишга мамлакат саноат, қурилиш ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлари юк автомобиллари мавжуд паркининг камида 15 фоизини (ҳайдовчилар билан биргаликда) жалб этиш зарур деб толилсин.

СССР министрлари ва СССР давлат комитетларининг раислари мазкур қарор бажарилишини таъминласинлар.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари жумҳуриятнинг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, жалб қилинадиган автомобиль транспортидан оқилона фойдаланишни таъминласинлар.

3. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг меҳнатга қобилиятли аҳолисини қишлоқ хўжалик ишларига ҳамда ғалла қабул қилиш корхоналарида ва қанд лавлаги қабул қилиш пунктларида ишлаш учун қўшимча равишда жалб этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқсинлар, ёрдамга келадиган ишчиларни жойлаштириш, уларга маданий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатишни, шунингдек уларнинг унумли меҳнат қилишини оқилона ташкил этишни таъминласинлар.

ТАЛАБАЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ 1990 ЙИЛ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШДАГИ ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

1990 йилда дон экинлари, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш зарурлиги муносабати билан СССР Министрлар Совети **қарор қилади:**

1. Олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг ўрим-йиғим ишларида фаолроқ қатнашишини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, СССР Давлат халқ таълими комитети, ўзларига қарашли ўқув юртлари бўлган министрликлар ва идоралар олий ўқув юртлари талабалари (ўқишни битираётганлардан ташқари)ни ва ўрта махсус ўқув юртлари юқори курсларининг ўқувчилари (ўқишни битираётганлардан ташқари)ни, шунингдек ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган ўқувчиларни ўқишдан бўш вақтида қишлоқ хўжалик ишларига бир ойдан кўп бўлмаган муддатга жалб этсинлар.

2. Олий ўқув юртларининг ректорлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг директорларига ўқув йили бошланишини бир ойдан кўп бўлмаган муддатга кечиктириш учун рухсат берилсин.

3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари талабалар ва ўқувчиларни уюшган ҳолда кутиб олишни таъминлашга, уларни бехатар ташишни, умумий овқатланишни, маданий-маиший ва тиббий хизматни зарур даражада ташкил этишни, шунингдек, юксак унум билан ишлаш ҳамда унинг натижаларидан моддий манфаатдорлик бўлиши учун шароит яратишга доир зарур тадбирларни кўрсинлар.

Ҳосилни йиғиштириб олишда вужудга келган вазиятни назарда тутиб, 1990 йил ўрим-йиғим ишларида банд бўлган талабалар ҳамда ўқувчилар ўзлари ишлаб топган пулдан даромад солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

* * *

СССР Министрлар Совети мамлакатимиздаги барча талабалар ва ўқувчи ёшларга мурожаат этиб, уларни мазкур қарорга тушуниб муносабатда бўлишга чақиради. СССР ҳукумати талабалар ва ўқувчилар ҳосилни йиғиштириб олишни таъминлашда аниқ ёрдам беришлари мумкинлигига ва бу билан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ҳамда талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшишларига умид қилади.

1990 ЙИЛ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ УЧУН ЮК АВТОМОБИЛЛАРИНИ ҚЎШИМЧА РАВИШДА ЮБОРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети **қарор қилади:**

СССР Мудофаа министрлиги зиммасига министрликка қарашли транспорт парклари, қанд лавлаги, озуқа экинлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб олиш учун қўшимча равишда 10 мингта юк автомобилини ҳайдовчилари билан юбориш, шу жумладан:

РСФСРга 1990 йилнинг 10 августидан 1 ноябригача 3 мингта автомобиль;

Қозоғистон ССРга 1990 йилнинг 15 августидан 1 ноябригача 7 мингта автомобиль юбориш вазифаси юклатилсин.

Мазкур юк автомобиллари ҳосилни йиғиштириб олишга СССР Министрлар Советининг 1990 йил 29 июндаги 620-қарорида кўзда тутилган шартларга биноан юборилади.

х) СССР ҳукуматининг илгари қабул қилган қарорларига биноан СССР Мудофаа министрлиги ҳосилни йиғиштириб олиш ишларига 35 мингта юк автомобили жўнатган эди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1990—1992 йилларда Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Давлат дастури» тўғрисидаги қарорига шарҳ

Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Давлат дастури» тўғрисидаги қарор қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

(1-бет)

● Янгиланиш жараёнида партиямиз халқпарвар мафкурага таяниб иш кўради. КПСС Марказий Комитети аъзоси Каромат Қодирова билан мулоқот мавзуини шу ғоя ташкил этади.

(2-бет).

● Барча соғлом кучларни бирлаштириб, аҳиллигимиз ва ҳамжиҳатлигимиз билан қайта қуришга мададкор бўлайлик!

(2- ва 3-бет).

● Қўлёзмалар — халқ бойлиги. Улар тадқиқотчиларга мунтазир.

(4-бет).

● Газета саҳифаларида:

● Жумҳуриятимиз ҳукуматининг янги қарорлари зўр кўтаринкилик билан кутиб олинаётир.

Бу йилги йиғим-терим ишларида банд бўлган кишилар билан ҳар куни, беш кунда бир марта ва ўн кунда бир марта ҳисоб-китоб қилишни синаб кўриш тавсия этилади.

«1990—1992 йилларда Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Давлат дастури» тўғрисидаги қарор қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

(1-бет)

● Янгиланиш жараёнида партиямиз халқпарвар мафкурага таяниб иш кўради. КПСС Марказий Комитети аъзоси Каромат Қодирова билан мулоқот мавзуини шу ғоя ташкил этади.

(2-бет).

● Барча соғлом кучларни бирлаштириб, аҳиллигимиз ва ҳамжиҳатлигимиз билан қайта қуришга мададкор бўлайлик!

(2- ва 3-бет).

● Қўлёзмалар — халқ бойлиги. Улар тадқиқотчиларга мунтазир.

(4-бет).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Ўзбекистонда Тунис парламент делегацияси дўстона ташриф билан меҳмон бўлиб турибди.

6 август куни меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Халқаро ишлар комитети раиси П. Қ. Ҳабибуллаев қабул қилди. Учрашувда иккала томонни қизиқтирувчи масалалар тилга олинди, икки томонлама алоқаларни ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этди.

Шу куни меҳмонлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида бўлдилар, улар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

Танишинг: КПСС Марказий Комитети аъзоси

КПСС XXVIII съезди делегати Каромат Қодированинг ҳаёт йўли замондошларининкига ўхшаш. 1965 йилда Зомин районида ўрта мактабни битирган. 1966—1970 йилларда Сирдарё педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрди. 1977—1990 йилларда ўқитувчиликдан мактаб директоригача бўлган барча поғоналарни босиб ўтди. «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Ҳозир Зомин районидаги 26-ўрта мактаб директори. 1978 йилдан партия аъзоси. Уч нафар фарзандининг онаси.



ХАЛҚПАРВАР МАФКУРАГА ТАЯНИБ

КАРОМАТ Зоировна билан Москвага, КПСС-нинг XXVIII съездига жўнаб кетаётганида учрашгандик.

Ўшанда опанинг жавоби лўнда бўлганди:

— Менимча, КПСС обрўсини бутунлай йўқотгани йўқ, балки айрим коммунист раҳбарлар ўзларига билдирилган катта ишончни у ёки бу даражада суиистеъмол қилганликлари сабабли тез орада эл-юрт назаридан четда қолишди. Мен партиянинг йўлбошчилик мавқеига ишонаман. Ишонмаганимда, ўз ғоям учун чинакам курашмаганимда коммунистлар мени олий анжуманга делегат қилиб сайлашмаган бўларди...

— Каромат Зоировна, энг аввало Сизни КПСС Марказий Комитети аъзолигига сайланганингиз билан самимий табриклаймиз. Адашмасак, Сиз Зомин район партия ташкилоти тарихида биринчи бўлиб, КПСС XXVIII съездига делегатликка, кейин эса партиянинг энг юқори органига сайландингиз...

— Раҳмат. Эътибор ёлғиз менга эмас, балки районимизнинг барча хотин-қизларига кўрсатилди, деб ҳисоблайман. Ҳеч шубҳасиз, ишончни оқлаш учун ҳаракат қиламан. Ўз-ўзидан аёнки, Марказий Комитет вакили сифатида зиммамга залворли масъулият юкланганини ҳис этяпман. Бошқа тармоқларнинг ҳолати ҳақида тўхталиб ўтирмай, яхшиси мафкура соҳасидаги муаммолар, халқ таълимидаги аҳвол ҳақида гаплаша қолайлик.

— Маъқул. Маълумки, Сиз съезднинг иш кунларида мафкура секциясида қатнашдингиз. Хўш, мунозаралар эсда қоладиган тарзда ўтдими?

— Қайси бирини айтай? Ўзбекистондан 17 нафар делегат эдик. Ҳаммамизнинг номимиздан Тошкентдаги 41-мактаб директори Назира Аҳмедова сўзга чиқиб, маорифчиларнинг дардини, жумҳуриятимиздаги мафкуравий ишларнинг ечилмай қолаётган муаммоларини ташвиш билан гапирди.

Дарҳақиқат, мафкурамиз бугунги кунга келиб ўзининг аниқ йўналишига эга эмас. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида ҳам гап бўлганди. Биргина мисол келтириб ўтай. Қўшни Ўш областида содир бўлган ва ҳамон давом этаётган миллатлараро низолар Қирғизистонда йиллар давомида йиғилиб қолган, одамларнинг аянчли яшаш тарзига олиб келган муаммоларнинг маҳсули эмасми? Бу ҳақда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Масалиевга съездда ва секция мажлисларида саволлар бердик. Афсуски, жавоблар фақат мени эмас, бошқаларни ҳам қониқтирмади. Можаролар эса ҳамон тинчимаяпти. Кўриниб турибдики, қўшни жумҳурият раҳбарлари томонидан етарли даражада оқилона тадбирлар ҳалигача қабул қилинмаяпти.

— Ўқитувчининг яшаш тарзини яхшилаш ва обрўсини кўтариш кераклигини ҳам делегатлар қайта-қайта уқтиришди. Тўғрими?

— Ҳа. Тўғри қилишди. Рост-да, қачонгача ўқитувчи меҳнати қадрланмайди? Мана, қаранг, айни чоғда Иттифоқимизда халқ таълими ходимлари ўртача 190 сўм, ишчилар эса 350—390 сўм ҳақ оладилар. Назаримда, тафовутни тугатиш вақти келди.

— Кўп партияликка муносабатингиз?

— Кўп партиялилик ҳамма ишларга, энг аввало, мафкуравий ишларга салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Яна ўқув-тарбия соҳасини олайлик. Бир мактабда турлича қарашлар, ҳар хил мафкурадаги кишиларнинг ўғил-қизларига билим бериш осон бўлмайди. Ваҳолонки ҳозир ғоялар ўртасидаги курашларга зўр бермасдан, балки халқ тақдири ҳақида чинакамига қайғуришдан эзгу мақсад йўқ.

Зомин районини мисолга олай. Хотин-қизлар кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир оиладаги шарт-шароитни беш қўлдай билишлари керак. Улар ўз мафкуравий фаолиятларини шулар асосида қуришларини даврнинг ўзи тақозо этяпти. Хотин-қизлар орасида ўзига ўт қўйишнинг олдини олиш лозим. Бизда-чи? Биз кўпинча фожиа содир бўлганидан сўнг таҳлил қилишга, социологик тадқиқотлар ўтказишга ўтамиз. Бунинг самараси эса ниҳоятда камдир.

Тоғлар бағрида жойлашган районда амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўлами бисёр. Жумладан, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмаган аҳоли анчагина. Айни чоғда ишлаб турган бадиий буюмлар фабрикасига ўхшаган корхоналарни, касаначилик ҳаракатини кучайтириш керак. Район аҳолисининг атиги ўн етти фоизигина ичимлик суви билан таъминланганлиги ҳеч кимни қониқтирмайди. Сиёсий партиялар сонини кўпайтириш билан эса бу муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Аксинча, мавжуд жамоат ташкилотларини бу юмушларга жалб эта оладиган, уларни уюштира оладиган ҳақиқий ташаббускор куч зарур. Менимча, бунга фақат Коммунистик партиягина қодир.

— Дарвоқе, мактабда катта куч бўлган комсомол ташкилотларининг фаолияти ҳақида фикрингиз қандай?

— Комсомол ташкилотларининг лоқайдлиги ҳалиям давом этаётир. Менга қолса, ўқувчи-ёшларимиз комсомолга ўтишни чин маънода орзу қилсин. Биз бир кезлар шундай ҳис-туйғуларни бошимиздан кечирганмиз. Ҳомалари етишмайди. Тўғри, жойларда имконияти борича шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат бор. Оталиқ ташкилотларнинг айримлари мактабларимизга ёрдам беришга интилишади. Лекин барча баробар эмас. Мактабимизнинг оталиқ ташкилоти 26-автомобиль транспорти корхонаси жуда кўп югур-югурлардан сўнг 6 минг сўм ёрдам берди. Бу маблағга ўқувчиларни овқатлантириш учун 40 ўринли ошхона очдик. 1948 йилда чимдан қурилган мактабда дарс ўтамиз. «Эскини ямагунча, эсинг кетади», деганлари рост экан. Ҳар йили қурилиш қиламиз. Бу йил ҳам қўшимча 5 та синф хонаси қуряпмиз. Рости, мактабларимизнинг ҳолати район миқёсида олганда ниҳоятда ачинарли. Умумтаълим масканларининг 80 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган. Аксарият binolar қулаш арафасида.

Бинобарин, айтилган камчиликларнинг ҳаммаси мафкуравий ишларнинг равнақига тўсқинлик қилади. Шу боис вилоятимизда ҳам мафкуравий сиёсатнинг аҳволи жуда ғариб. Асосий масала — мафкуравий фаолиятни яхшилашдан иборат. Хўш, қандай қилиб? Бу саволга ҳаммамиз биргаликда жавоб, имконият излашимиз керак.

Сўнгги йилларда жумҳуриятимизда халқнинг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан ибратли ишлар бошланди. Ўзбекистон Президенти бошланғич синф ўқитувчиларининг ойлик маошини ошириш, уруш ногиронлари ва байналмилалчи жангчилар инсоний меҳр-шафқат билан қуршаб олиниши учун ва бошқа соҳаларда кўпгина Фармонлар чиқардики, буларнинг ҳаммаси одамларда яхши таассурот қолдирмоқда. Менимча, бу каби ибратли ишларни имкониятлардан келиб чиқиб мустақил тарзда вилоят, шаҳар ва районларда, давлат ва жамоат хўжаликларида ҳам амалга ошираверіш лозим. Бизда эса юқоридан кўрсатма, буйруқ ва мадад кутиб турishга мойиллик кайфияти ҳамон кучли.

Хуллас, янгиланиш жараёнида партиямизга халқпарвар мафкура зарур.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Р. ЮНУСОВ,
«Совет Ўзбекистони мухбирлар постининг аъзоси.

СУРАТДА: КПСС XXVIII съезди делегати, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Каромат Қодирова.

МЕҲНАТ МЕЗОНИ

• *Маҳсулот сифати— корхона кўзгуси*

Хизмат юзасидан жумҳуриятимиз саноат корхоналарида тез-тез бўлиб, кўпинча маҳсулот сифати хусусида давлат стандарти ва метрология талабларига қандай риоя этилаётгани билан қизиқамиз. Ўтган даврда республикамизнинг 539 та корхонасидаги аҳвол билан танишиб чиқдик. Маълумотларга кўра, СССР Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналарида, электр-техника саноати ва республика Енгил саноати министрлиги ҳамда Ўзбекбирлашувга тегишли корхоналарда маҳсулотларни стандарт ва метрология талаблари асосида ишлаб чиқариш бирмунча яхшиланган.

Лекин шунга қарамай, маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқаришда баъзи корхоналарда стандарт ва метрология талабларини бузиш ҳолларига ҳам дуч келинган. Жумладан, жумҳурият Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Олмалиқдаги қурилиш материаллари комбинати иш фаолияти билан танишганимизда ана шундай хўжасизликнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот стандарт талабига мутлақо жавоб бермайди. Масалан, ишлаб чиқарилаётган ғиштлар яхши қуритилмаган, қинғир-қийшиқ. Ўлчов асбоблари ўз вақтида давлат назоратидан ўтказилмаган. Қуритиш цехларидаги шароит анча оғир. Шунинг учун ҳам назоратчиларимиз маҳсулот ишлаб чиқаришни вақтинча таъқиқлаб қўйишди. Ишдаги камчиликлари учун корхона даромад фондидан 7 минг сўм пул чегириб қолинди.

Афсуски, бошқа тармоқ корхоналарида ҳам аҳвол ўнглангани йўқ. Енгил саноат министрлиги корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳалигача харидор дидини, унинг эҳтиёжини қондира олмаяпти. Ҳанузгача ишлаб чиқаришда кийим-кечакни замонавий, ҳушбичим, асл нусхадагидек қилиб тайёрлашга эришиб бўлмаяпти. Бундай ҳолат эса кўпинча ўз-ўзидан стандарт қолипидан чиқиб кетишга сабаб бўляпти.

Мазкур тармоқнинг 9 та корхонасида давлат назорати текшириш ўтказганда, шуларнинг 4 таси ишида анчагина камчиликлар топилди. Жумладан, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаган маҳсулотларнинг ярмидан кўпи браккa чиқарилди. Корхонанинг 4 хил турдаги маҳсулотларини сотувга чиқариш ман қилинди. Ишда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлари учун корхонага 108,7 минг сўм жарима солинди, даромад фондидан 23 минг сўм чегириб ташланди. Л—2979—88 моделли «Янгилик» индексли костюм учун берилган қўшимча даромад тўхтатиб қўйилди.

Маҳаллий саноат министрлигига тегишли корхоналарда ҳам ўтган йилдагига қараганда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Масалан, Киров номли тикувчилик фабрикасида тикилган куртkалар 100 фоиз стандарт талабига жавоб бермаслиги аниқланди. Корхонанинг тайёр маҳсулотларида эслатма тамғалари йўқ. Бунинг устига маҳсулот сақланадиган жой йўқлигидан улар ерга тахлаб қўйилган. Бу бирлашмага ҳам назоратчиларимиз 91,5 минг сўм жарима солишди.

Сифат масаласи агросаноат комплекси корхоналарида ҳам анча ёмон. Текширилган 176 корхонадан 67,6 фоизида маҳсулот сифати талаб даражасида эмас. Ачинарлиси шундаки, Жиззах, Чирчиқ, Бўстонлиқ ва Тошкентдаги сутли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатга умуман эътибор бермай қўйишган.

Ҳисоб-китобларга кўра, текширилган корхоналар планидан ҳаммаси бўлиб 2683,1 минг сўм пул чегириб ташланган. Айрим корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 50 фоиздан кўпроғи яроқсиз деб топилди. Бунинг сабаблари ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, корхоналарда технология ҳамда меҳнат жараёнининг назорат қилинмаслиги, меҳнат интизомининг бўшлиги, ишчи кучи етишмаслиги, шунингдек, технологик ускуналарнинг эскилиги, хом ашё тақчиллиги ва ишчиларга етарли ижтимоий-маиший шароитлар яратиб берилмаганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришда унинг сифатига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги аниқланди.

Шунга қарамасдан стандарт ва метрология талаблари асосида маҳсулот тайёрлашга интилаётган корхоналар ҳам анчагина. Жумҳуриятимиз корхоналари ҳозирги кунда 240 хилдаги олий категорияли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шу йилнинг биринчи кварталида эса 16 хил буюм олий категорияда баҳоланди, 40 дан зиёд янги маҳсулот тури ўзлаштирилди. 380 га яқин янги технология ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, корхоналарда 96 та комплекс механизация ва автомат линиялар ишга туширилди. Натижада кўпгина корхоналар тайёрлаётган маҳсулот сифати анча яхшиланди. Жумладан «Узбексельмаш», «Наманганхиммаш», «Средазкабель», «Ташэлектромаш» ҳамда Самарқанддаги лифтозлик, Андижондаги «Электродвигатель» сингари корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 80 фоиздан зиёдроғи олий категорияда баҳоланди. Жумҳуриятимиздаги минтга яқин корхонада маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси жорий қилинди. Ҳозир 325 та корхонада бу системани ўрнатиш ниҳоясига етказилмоқда.

Хуллас, маҳсулот сифатини яхшилашга ҳаракат қилиняпти. Лекин янги технология, малакали ишчи инженер-техник ходимлар ҳамда сифатли хом ашё бўлмаса, сифатни ўнглаб олиш қийин. Очиғи, аввало меҳнат кишисининг ижтимоий-маиший аҳволига эътибор беришимиз ҳамда ишлаб чиқаришда тегишли шароитлар яратишимиз зарур. Ана шундагина ишчидан сифатни яхшилашни талаб қилиш мумкин.

Р. ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон ССР давлат стандартлаш ва метрология маркази бўлим бошлиғи.

• *Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари—ҳаётга!*

МАКТАБДАН МАБЛАҒ АЯМАЙМИЗ

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ишини биз, кимёгарлар жамияти аъзолари ҳам диққат билан кузатиб бордик. Коммунистлар анжуманида долзарб масалаларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди. Жумладан, съездда «Ёш авлодга таълим-тарбия бериш соҳаси тубдан янги ёндашувлар талаб қилади» деб алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, маориф соҳаси, айниқса қишлоқ мактаблари аҳволини тузатиш учун тубдан янгича ёндашувлар зарур. Ҳозирги вазият шундайки, қишлоқлардаги асосий кўпчилик мактаблар мослаштирилган биноларга жойлашган. Қатор мактабларда таълимни рисоладагидек йўлга қўйиш учун физика ва кимё лабораториялари у ёқда турсин, оддий ўқув қўлланмалари, кўргазмали воситалар, дастлабки моддий-техника базаси ҳам йўқ.

Съезд кўрсатдики, ўрта таълимни ва маданиятни ривожлантирмасдан туриб, тўғри фикрлаш ва ўз ҳаракатларини тўғри баҳолаш мумкин эмас. Сир эмаски, ўқимишли ва юксак маданиятли кишиларгина тараққиётни таъмин этадиган оқил йўлдан борадилар, нотўғри миллий кайфиятларга берилмайдилар.

Жумҳурият кимёгарлари жамоатчилиги «Меҳр-мурувват» фонди очилганини, яқинда ташкил этилган «Улуғбек» фонди фаолиятини астойдил табриклайди. Лекин бизда ҳар қандай иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан ўрта таълим даражасини, айниқса қишлоқ мактабларидаги таълим даражасини кескин яхшилаб олиш учун маблағ топишга катта зарурат туғилди.

Биз, жумҳурият кимёгарлар жамияти аъзолари келажагимиз бўлган ёшлар таълими даражасини оширишга қатъий бел боғладик. Қишлоқ мактаблари ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги ҳузурида алоҳида ҳисоб очиш, унга «Таълим» фонди мақоми беришни таклиф этамиз. Ўйлаймизки, бизнинг даъватимиз фан-техника жамоатчилиги, жумҳуриятдаги зиёлилар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланади. Д. И. Менделеев номидаги Бутуниттифоқ кимёгарлар жамияти Ўзбекистон жумҳурият бошқармаси «Таълим» фондини тузишга, ўзининг дастлабки маблағини ўтказишга тайёр. Жамиятнинг хўжалик ҳисоби асосида ишлаб топган маблағи бир қисмини ҳар йили мунтазам ўтказиб туриш мажбуриятини оламиз.

Қишлоқ мактабларидаги таълимнинг ҳозирги аҳволи бизни шундай қилишга чорлаяпти.

Н. ПАРПИЕВ,
Д. И. Менделеев номидаги Бутуниттифоқ кимёгарлар жамияти Ўзбекистон бошқармаси раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,
С. ИКРОМОВА,
раис ўринбосари.



Ишонч

Партия ташкилоти йиғилиши кун тартибига киритилган масалалардан бири КПСС аъзолигига қабул эди. Бўлажак коммунистга жуда кўп саволлар берилди. Мамлакат коммунистларининг XXVIII съезди, у қабул қилган ҳужжатлар ва янги Уставда коммунистнинг жамиятдаги ўрни, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ҳужжатлари тўғрисидаги саволларга у аниқ-равшан жавоб берди. Янги бурилиш нуқтасида ўз позициясини аниқ белгилаб олганлигини исботлади.

Йиғилиш ўз қарорини ўқиб эшиттирди: Ғафур Сангинов КПСС аъзолигига қабул қилинди.

— Коммунистик партиямизнинг XXVIII съездидан сўнг КПСС сафига ўтишим мен учун ниҳоятда унутилмасдир, — дейди Ғ. Сангинов. — Партиямизнинг чинакам обрўсини тиклайдиган пайт келди. Илгари кўпчилик амал пиллапояларидан кўтарилиш учун партия сафига ўтишган. Одамлар билан яқин алоқада ишлаш, улар билан ҳамнафас бўлиш учун партия сафига кирдим. Бу зиммамга катта масъулият юклайди. Жумҳуриятимизда амалга оширилаётган хайрли тадбирларнинг тезда бажарилишига коммунист сифатида ҳисса қўшиш фахрли бурчим.

Ёш коммунистнинг меҳнат дафтарчасини кўздан кечирамиз. У — 29 ёшда. Тошкент тўқимачилик комбинатининг биринчи йигирув-тўқув фабрикаси йигирув цехи бошлиғи. Корхонага комсомол йўлланмаси билан келган. Оддий ишчи, сўнгра смена мастери бўлди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатди, инженер-иқтисодчи дипломига эга бўлди. Бугунги кунда у йирик цехга бош-қош.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия ташкилоти ибратли ишларни амалга оширмоқда. Съездан сўнг кадрлар билан ишлаш масаласида ўз вазифасини янада ойдинлаштириб олди. Ёш мутахассисларни партия сафига ўтказишда кекса коммунистлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Ҳаракатдаги ўзгаришлар сезиляпти. КПСС XXVIII съездидан сўнг комбинатда яна беш ишчи партия сафига ўтди.

● Рўзномамизда эълон қилинаётган бу лавҳада Ғ. Сангинов ва оператор Фарида Жумаева тасвирланган. Улар ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш хусусида фикр алмашмоқдалар.

Суратни ЎзТАГ мухбири Р. НУРИТДИНОВ олган.

АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Дунёда инсонларни боғлаб турган муносабатларни ифодаловчи талай тушунчалар мавжуд: эътиқод, дўстлик, муҳаббат... Буларнинг ҳаммаси ҳам қадрли. Лекин энг мумтози, энг муқаддаси дўстлик тушунчаси. Чунки дўстлик моҳият эътибори билан юксак онглилик, инсоний камолот даражасидир. Инсон шахси қанчалик юксак бўлса, у дўстликни шунча кўпроқ эъзоз этади. Шунинг учун ҳам инсоният қадим замонлардан бери халқларнинг қардошлиги, ҳамдўстлиги ва ҳамкорлигини орзу қилиб келган. Бу эзгу орзу шоирлар ва рассомларнинг, ёзувчи ва бастакорларнинг асарларида куйланган, халқ эртакларида ва қўшиқларида тараннум этилган.

Тарихда мисли кўрилмаган буюк ижтимоий ҳаракат — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси барҳаёт байналмилал жасоратдир. Октябрь ишларининг мантиқий давоми сифатида дунёда биринчи марта байналмилалчилик принциплари асосида ишчи ва деҳқонларнинг кўп миллатли давлати — СССР ташкил этилди. Бу озод халқларнинг илгари тарихда учрамаган бирлик ва дўстлик муносабатларининг гавдаланишидир, пролетар байналмилалчилиги ғояларининг ишончли ғалабасидир. СССРни бунёд этиш билан вужудга келган омил кўп миллатли жамиятимиз тараққиёти бош йўлини белгилаб берди.

КПССнинг қайта қуриш сиёсати билан мамлакатда чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги босқичда байналмилалчилик ғояларига амал қилиш, уни янада ривожлантириш, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам партиянинг XXVIII съездида қабул қилинган КПССнинг Дастурий баёноти — «Инсонпарвар, демократик социализм сари» деб аталган тарихий ҳужжатда партия мамлакат барча миллат ва элатларининг дўстлиги ва байналмилал бирлиги тарафдоридир, деб таъкидланди. Съездда «Демократик миллий сиёсат — халқлар ўртасидаги ихтиёрий иттифоқ, тинчлик ва аҳиллик йўли» деган махсус резолюция ҳам қабул қилинди. Ана шу резолюцияда «Турмуш даражасини оширишда натижаларни камкам бўлсада, муттасил оғишмай кўпайтириб бориш, миллий тилга, маданият, анъаналар ва урф-одатларга ҳурматни, фуқаролар ва халқлар ўртасидаги аҳиллиқни тиклаш зарур»лиги, яхши қўшничилик ва аҳиллиқнинг асрлар давомида орттирилган тажрибасидан фойдаланиш лозимлиги уқтирилди.

Ўзбек халқи азалдан халқлар ўртасида дўстликни, биродарликни, бирдамликни эъзозлаб келади. Ўтмишдаги улуғ мутафаккирлар ва алломалар ижодида бу ўз аксини топган.

Таваллудининг 550 йиллиги нишонланаётган донишманд бобомиз Алишер Навоий замонлар оша ҳаётимизга кўз тикиб, ўлмас асарлари билан дўстлик ҳақида таълим ва сабоқ бериб келмоқда. Биз бугун «Фарҳод ва Ширин» достонини ўқир эканмиз, Фарҳод нега хитойлик, Шопур нега эронлик, Ширин нега арманни деган фикр хаёлимизга ҳам келмайди. Чунки бу дўстлик бизга ҳаётнинг ўзидай табиий туюлади. Халқлар азалдан тақдирларини бир-бирларига боғлаб келганликларини ва бунинг бош омили инсонпарварлик эканлигини юрак-юракдан ҳис этамиз.

Ўзбек халқининг буюк алломаси Абу Райҳон Беруний ўзининг қомусий «Ҳиндистон» асарини ҳинд халқи ҳаёти, маданияти ва табиатини ўрганишга, улуғлашга бағишлади. Жаҳон илм-фанида беқиёс бу асарни ҳинд халқи энг нодир мерос деб билиши, алломани эса ўз фарзанди сифатида эъзоз этиши дўстлик шарофатидир.

Дарҳақиқат, булоқ қанча юксакда кўз очса, у токи уммонга етгунича шунча кўп булоқлар билан қўшилиб оқади. Унинг уммонга етиб бора олиши сири шунда.

Улуғ рус ёзувчиси Л. Толстой кавказликлар ҳаёти ҳақида «Ҳожимурод» қиссасини битганида, Л. Батъ Навоий ҳақида «Ҳаёт бўстони» асарига қўл урганида, грузин адиби Салдадзе «Ибн Сино» романига нуқта қўйганида инсон ҳаётининг асл моҳияти — халқлар ўртасидаги дўстлик, байналмилал муносабатлар қошида таъзим қилганлар.

Қайта қуриш шарофати туфайли халқимиз бағрига қайтарилган улкан маданий меросимиз «Қуръон» ҳам одамзод бир отаю бир она фарзандлари эканлигидан гувоҳлик беради. Ишончимиз комилки, маърифатимиз сарчашмаларининг ҳаётимиздан муносиб ўрин олиши маънавий турмушимиздаги бўшлиқларни тўлдиради, эътиқод, дўстлик, меҳр-оқибат, байналмилалчилик туйғуларини асл маъносида ҳаётимизга қайтаришга ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз тарихида халқлар дўстлиги, ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги ва байналмилалчилик принципларига содиқлик қандай куч-қудратга эга эканлигини тасдиқловчи ибратли мисоллар кўп.

Чунончи, Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек халқининг байналмилалчилик руҳи ва СССР халқлари билан дўст-биродарлиги ғоят ёрқин намоён бўлган. Ўша оғир дамларда, умуман бутун Ўзбекистон жумҳурияти ватанпарварлик кайфияти ва душман устидан ғалаба қозонишга урушда бевосита қатнашиш ва ўз меҳнати орқали ёрдамлашиш истаги билан тўлиб-тошган эди. Республикамизнинг неча юз минглаб ўғил ва қизлари кўпмиллатли Совет Иттифоқидаги ўз қардошлари билан ёнма-ён, елкама-елка туриб фронтларда қаҳрамонона жанг қилдилар. Ўша пайтда серқуёш ўлкамиздан жангга борган аскарларнинг кўрсатган қаҳрамонлиги республикамиздаги деярли ҳар бир оиланинг фахри, унутилмас хотираси бўлиб қолди.

Уруш йилларида фронтни озиқ-овқат маҳсулотлари, қурол-яроғ ва ўқ дори билан таъминлашда ўзбекистонликлар мамлакат ичкарисида фидокорлик билан астойдил меҳнат қилдилар. Халқларимиз бошига катта офат келтирган лаънати уруш туфайли ота-онасиз қолиб, биз томонларга кўчириб келтирилган етим болаларни тарбиялаш ва фарзандликка олиш жумҳуриятимизда кенг ватанпарварлик ҳаракатига айланган эди: ўзбек халқи уруш йилларида 100 минглаб катта ёшдаги аҳолини, 200 мингдан ортиқ етим болаларни ўз бағрига олди. Ўзбекистон улар учун иккинчи она юрт бўлиб қолди.

Мантиқий хулоса шуки, Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабамизнинг теран илдизлари халқларимиз дўстлиги, байналмилалчилик ғоямизга негизланади.

Совет халқларининг байналмилал қардошлиги ва ўзаро бегараз ёрдамининг кучи 1966 йилда Тошкент бошига тушган табиий офат — зилзила оқибатларини тугатиш жараёнида ўзининг бутун улуғворлиги ва қудратини яна бир бор яққол на-

● Сурхондарё вилояти, Шеробод районидаги У. Юсупов номли совхознинг илғор пахтакори Жонқобил Ниёзов ўтган йили 58 гектар ерни ижарага олганди. Унга 11 кишилик оила аъзолари ёрдам беришди. Ҳар гектар майдондан 32 центнер ҳосил қўтаришди. Астойдил меҳнатлари эвазига мукофотлар билан қўшиб ҳисоблаганда 37 минг сўм соф даромад олишди. Эндиликда Ж. Ниёзов муваффақиятларни янада кўпайтирмоқчи. Оила аъзолари айни кунларда ғўза парваришини тобора авж олдирмоқдалар.

Илғор ижарачи Жонқобил Ниёзов ўғли Равшан билан пахтазорда.

И. ХУЖАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).



ДУНЁ ОВОЗИ

● *Сиёсий шарҳловчи минбари*

ЯНГИ МУҲИТ ИФОДАСИ

Жаҳон сиёсати тезкорлик билан ўзгариб бормоқда. Айниқса, ўтган ойлар халқаро ҳаётда катта воқеаларга бой бўлди. Оғир шароитда, партия ва жамият чуқур тангликни бошидан кечираётган бир пайтда КПССнинг XXVIII съезди бўлиб ўтди. Унда Коммунистик партиянинг келажаги ҳақида жўшқин тортишувлар бўлиб ўтди. Социализм, марксизм-ленинизм ғоясининг тақдири тўғрисида гап борди.

Съезд иши якунланиши билан мамлакатимизга НАТО бош секретари Манфред Вернер, Европа ҳамжиҳатлик комиссиясининг ёки «Умумий бозор»нинг раиси Жак Делор, ГФР канцлери Гельмут Коль ва ниҳоят, Ҳиндистон Бош министри В. П. Сингх сафар қилдилар. Бу сафарлар халқаро майдонда шаклланиб келаётган янги муҳитнинг ифодасидир. Булар билан бир қаторда НАТО аъзоларининг Лондон учрашуви, еттита йирик капиталистик мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги Хьюстон учрашуви, 2+4 формуласи қатнашчиларининг Париждаги суҳбатлари катта аҳамиятга моликдир. Буларнинг ҳаммасида СССРга қизиқиш, қайта қуришнинг тақдири, Шарқий Европадаги вазият, ГДР билан ГФРнинг бирлашиши катта ўрин эгаллади.

Маълумки, Европа қитъасида сиёсий вазият жуда активлашган. НАТО ва Варшава Шартномасининг бирбирига қарама-қарши турган пайтлари ўтиб кетмоқда. Кучлар мувозанати ўзгармоқда. Европа умумий уйини ташкил этиш йўлида дипломатия жон куйдирмоқда.

Сўнгги ойларда Шарқий Европа қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Варшава Шартномаси аъзоси бўлган олтита давлат тоталитаризм кишанларини улоқтириб ташлаб, 116 миллиондан ортиқ аҳоли, сиёсатдонларнинг таъкидлашича, Москва, Маркс белгилаган йўлдан эмас, балки ўзлари сайлаган ҳукумат йўлидан бормоқдалар. Шарқий Европадаги ўзгаришлар айниқса антикоммунизм ботқоғига ботиб қолган кимсаларни янада активлаштирмоқда. Булардан бири — Картер АҚШ президентлиги чоғида миллий хавфсизлик маҳкамасининг бошлиғи бўлган З. Бжезинскийдир. Яқинда Лондонда чиқадиган «Гардиан» газетасида унинг мақоласи босилиб чиқди. Унда у қуйидаги фикрларни ўртага ташлайди:

«Шарқий Европа ва Совет Иттифоқида кўзимиз ўнгида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳозирча бизни умидвор қилиб турибди. Бироқ умидлар дақиқаси охирига яқинлашмоқда. Эндиликда гап коммунистик мафкурага асосланган система харобаларида самарали прогматик, очиқ, либерал, демократик тартибларни қуриш мумкинми ёки йўқми, деган жумбоқ устида кетмоқда». Бжезинский ўз мақоласида Шарқий Европани уч секторга бўлади: Шарқий Германия, Шимолий зона, Жанубий зона. Унинг фикрича, Шарқий Германия, яъни ГДР ўз муаммосини умумгерман доирасида, тезроқ ҳал этиши мумкин эмиш. АҚШ сиёсатдони Жанубий зонага Руминия, Болгария ва Югославияни киритса, Шимолий зонага Польша, Чехословакия, Венгрияни киритиб, истиқбол тариқасида Шимолий зонага кирган давлатлар демократиялаштириш йўлидан тезроқ боришини каромат қилади.

«Энг жиддий муаммо — иқтисодий муаммодир. Бизлар коммунистик системадан бозор экономикасига ўтилганлигининг гувоҳи бўлган эмасмиз. Коммунистик диктатуранинг плюрализтик демократияга муваффақиятли ўтиши ҳам содир бўлган эмас. Эҳтимол, иккинчиси биринчисига қарганда енгилроқдир, аммо бу муаммоларни бир вақтда ҳал қилишга тўғри келади. Бу жараённинг пионери Польша бўлиб қолмоқда». Бу З. Бжезинскийнинг хулосасидир. Дарҳақиқат, инфлация Польшада сезиларли қисқарди. Агар йил бошида у 75 фоизни ташкил этган бўлса, мартда 6 фоизга тушди. Бу бозор экономикасига ўтиш оқибатидир. Аммо ишсизлик тинимсиз ўсмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми 25 фоизга қисқарди. Кўп жиддий ҳолат ГДР билан ГФРнинг бирлашиши устида кетмоқда. Матбуотда «Бирлашиш ёки немисча никох» тўғрисидаги иборалар кўп ишлатилмоқда. Айрим шарҳловчилар вазиятни баҳолаб, 16 миллион келинчакнинг сепи устида гап кетаётгандек бўлмоқда, деб ёзмоқдалар. Дарҳақиқат, бу жараён анча жиддий ва оғирдир. Маълумки, шу йилнинг 18 майида ГДР ва ГФР раҳбарлари валюта, иқтисодий ва ижтимоий иттифоқ тўғрисида давлат шартномасини имзолаб, Германиянинг бирлашиши йўлида катта қадам қўйдилар. 2 июлдан бошлаб ГФР маркаси билан ГДР гражданларига иш ҳақи, стипендия ва пенсиялар берила бошлади.

Шундай қилиб, унаштириш бўлди, аммо герман давлатининг «никоҳи» ҳали олдинда. Бироқ ГДР аҳолиси ўртасида шодлик ва қониқиш ҳисси сезилмаётир. «Нойес дойчланд» газетасининг ёзишича, мамлакатда нотинчлик кучаймоқда. ГФРда канцлерликка номзод О. Лафонтен давлат шартномаси жамиятни парчалашга олиб келади, ГДРда турмуш даражаси келажакда ҳам паст бўлади, деб ҳисобламоқда.

Фикрлар, шарҳлар қандай бўлмасин, ГДР билан ГФРнинг яхлит Германия бўлиб бирлашиши расмий ҳолда амалга ошди. Энди уни қонуний расмийлаштириш қолди, холос.

М. С. Горбачев билан Г. Колнинг Архиз, яъни «Гўзал қиз» деб аталган жойдаги учрашувида бирлашиш йўлидаги барча масалалар қараб чиқилди. Бирлашган Германия НАТО аъзоси бўлиши, «Умумий бозор»га кириши ҳал бўлди. СССР бунга рози. Шунинг учун ҳам ГДР ва ГФР жамоатчилиги бу учрашувга юқори баҳо бермоқда. Шундай қилиб, қайта қуриш сиёсати, халқаро муносабатларда янгича сиёсий тафаккурлаш шунга олиб келдики, халқаро кучлар жойлашиши тубдан ўзгарди. Бир-бирига ишонч ошмоқда. Аммо шуни ёддан чиқармаслик керакки, халқаро сиёсатда ҳали ҳам муайян кучлар имкониятни намойиш қилишдан воз кечгани йўқ. «Етти»ларнинг Хьюстон учрашуви, НАТОнинг Лондондаги декларацияси, АҚШнинг Виржиния штатида Жорж Вашингтон номидаги янги авианосецнинг сувга тушиши чоғида АҚШ президенти Ж. Буш сўзлаган нутқда Вашингтоннинг «Урушга тайёрланиш — тинчликни таъминлашнинг самарали воситасидир», деган сўзларини эслатиб ўтиши «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма» деган халқ нақлига амал қилиш лозимлигини эслатиб турибди.

Чуқур ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ стратегик мудофаа ташаббуси программасига катта эътибор бериб турибди, унга 55 миллиард доллар маблағ ажратди. Ядро қуролларини модернизациялаштириш давом этмоқда. Атомнинг чуқурлаштирилган бомбалари ишлаб чиқилмоқда. Шу сабабли ҳам партиямиз XXVIII съезди халқаро сиёсатда реалистик йўл тутишни қайд этди.

Э. ҲАЙИТБОЕВ,
тарих фанлари номзоди.

● **Қатор йиллар мобайнида Албания давлати ҳақида ташқи дунё учун бирон маълумот йўқ эди. Эндиликда эса бу ерда ҳам ўзгаришлар бошланди.**

Суратда: Албаниянинг миллий қаҳрамони — Скандербегга (1405—1468 йил) ўрнатилган ёдгорлик.

БТА—ТАСС сурати.



ПАРТИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

● **СОФИЯ**

Болгария Социалистик партияси саросимадан қутулиб, сайловда ғолиб чиқди, аммо у ҳозир инқироз даврини бошидан кечирмоқда, деди Болгария Социалистик партиясининг раҳбари Александр Лилов Пловдивда социалистлар билан бўлган учрашувда. Олдинги жўшқин сиёсий вазиятда раҳбарликнинг заифлиги оқибатида ташаббусни қўлга олиш учун вужудга келган яхши имконият бой бериб қўйилди, деди у. «БСПдаги янгиланиш ўзининг иккинчи босқичига ўтиши — янада чуқурлашиши, кенг миқёсли, тўлақонли ва чуқур тус олиши керак».

Лилов президент сайловида сиёсий муроса зарур бўлганини, натижада оппозиция раҳбари Желю Желев президент бўлиб қолганини изоҳлаб, шу тариқа БСП ҳукмронликка интилувчи партия эмаслигини ва ҳокимиятни қўлдан бермаслик ният йўқлигини, у ҳақиқий аҳволга қараб фикр юритадиган ва оқилона қайишқоқлик қиладиган, демократияга тинч ўтишни қарор топтирадиган партия эканини исботлади.

А. СМИРНОВ,
ТАСС мухбири.

Депутат талаби

● САНТЬЯГО. Чили президенти Патрисио Эйлвиннинг граждан ҳукумати ижтимоий-иқтисодий дастурларини бажаришга маблағ топиш учун мамлакатнинг ҳарбий харажатларини шошилинч равишда қайтадан кўриб чиқиш керак, деди Чили миллий конгрессининг демократия учун партиясидан депутати Висенте Сота «Фортин мапочо» газетасининг мухбири билан суҳбатда.

В. ЗАДКО,
ТАСС мухбири.

● *Тил ҳақидаги Қонун — амалда*

ҚОИДАЛАРГА МОНАНД БЎЛСА

Ўзбек тилига жумҳуриятимиз миқёсида давлат тили мақомининг берилиши муносабати билан, шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маданий ва маънавий ҳаётимизда муҳим бурилиш ясалди. Ўзбек тилининг бутун чоралар билан ривожланиши ва янада равнақ топиши учун кенг имкониятлар яратилди. Эндиликда мазкур қонунни ҳаётга тадбиқ этиш долзарб масалалардан бўлиб қолди. Бунинг учун биринчи навбатда, Давлат тили тўғрисидаги қонунга биноан Ўзбекистон ССР олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув муассасаларининг, барча корхона ва ташкилотларнинг номлари ўзбекчалаштирилмоғи, идора ишлари ўзбек тилида олиб борилмоғи лозим.

Маълумки, ҳозирги даврда ўзбек тилида қўлланилаётган ном ва атамаларнинг, илмий ва ижтимоий-сиёсий терминларнинг аксарият қисмини рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган хорижий сўзлар ташкил этади. Шуни айтиш керакки, уларнинг кўплари бир қолипга тушмаган ёки тўлиқ шаклланмаган ҳолатдадир. Бинобарин, фан соҳалари бўйича соф ўзбек тилида китоб, дарслик, қўлланма ёки луғатлар яратиш ҳам анча қийин. Ҳар бир тушунчага монанд ўзбекча ном, атама топиш ва уларни ўз ўрнида, заргарона қўллай билиш, албатта, катта маҳорат талаб қилади. Шу нуқтаи назардан «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинаётган лисоний мулоҳазаларнинг тикланиши, шаклланиб тартибга тушиши ва унификация қилиниши ижобий ҳодисадир.

Ўзбек тилида соҳалар бўйича илмий терминологияни оёққа турғизиш биринчи галдаги вазифалардандир. Бунда фан-техника соҳаларига ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга, маданий турмушимизга доир тушунчаларни ифодаловчи барқарор ном ва атамаларни топиб, саралаб эълон қилиш зарур. Бунинг учун ўзбек тилида ифодаси бўлмаган предмет-нарса, ҳодисаларга, аввало ўзбек тилининг ички имкониятларидан, унинг турли шеваларидан, қолаверса, ўзбек тилининг тарихий манбаларидан унумли фойдаланган ҳолда муқобил ном, атама топишга интилиш лозим. Иккинчидан, ҳар қандай ном ёки атама соф ўзбекча ё ўзлашма характерда бўлишидан қатъи назар, у термин сифатида конкрет, яхлит тушунча ифодалаши, мумкин қадар предмет ё ҳодисалар моҳиятига мос келиши, кўп маънолилик хусусиятидан холи бўлиши керак. Учинчидан, термин сифатида танланадиган сўз тилга сингиб кетиши, нейтрал хусусиятга эга бўлиши, тилда мунтазам ишлатилиши ва умумхалқ томонидан тан олиниши лозим. Шуни айтиш керакки, зарур ўринларда, янги ном, атама яратиш ҳам мумкин, аммо улар ўзбек тилидаги сўз ясаш қоидалари, намуналари, моделлари асосида яратилмоғи лозим. Масалан «проспект» ўрнига шоҳкўча, шоҳроҳ, «машина лобовойи» дейиш ўрнига пешойна, «егерь» ўрнида ўрмонбон терминларини танлаб, тилга, илмий истифодага олиб кириш мақсадга мувофиқдир. Чунки ўзбек тилидаги ҳудди шу моделда ясалган шоҳсупа, шокоса ёки пешгир, пешбанд, пешайвон, боғбон, саройбон каби сўзлар бор. Ёки «соат тузатиш устахонаси» дейиш ўрнига «соатсозлик» (чунончи, баззозлик, баққоллик, сартарошлик типида), «телеателье» ўрнига телевизорсозлик атамаларини қўлланиши, бизнингча, тўғридир.

Кези келганда яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, янги ном ёки атама танланар экан, унинг барқарор, турғун сўз ёки сўз бирикмаси шаклида қўлланишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки оддий эркин бирикмаларни термин сифатида ишлатиш у қадар тўғри бўлиб чиқмайди. Масалан, юқоридаги «проспект» ўрнига шоҳкўча, шоҳроҳ, ёғоч буюм, «синтаксис»ни нутқ илми дейилишига қўшилиш қийин. Бунда равон кўча (тор кўча, кенг кўча, ёруғ кўча каби), ёғоч буюм ёки нутқ илми каби эркин бирикмалар ўз компонентлари доирасида ўзгарувчан, беқарордир. Унинг устига, айтайлик, «мебель» ёки «синтаксис» тушунчаларини ёғоч буюм ёки нутқ илми атамалари тўлиқ қопламайди. Чунончи, қошиқ ёғоч буюм бўлиши мумкин, аммо мебель саналмайди; ёки нутқ илми деганда синтаксисни ҳам, стилистикани ҳам тушуниш мумкин. Бинобарин, бу сўзларни, бизнингча, термин сифатида тушуниш жоиздир.

Аниқ эквиваленти бўлмаган бундай сўзларни ўзбек тилида ўз ҳолича ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Ўз навбатида биз ҳам қуйидаги номларни «Атамалар бурчаги»га ҳавола этамиз ва ҳурматли газетхонларни бу ҳақда ўйлаб кўришга ундаймиз.

Т. АЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти луғатшунослик ва терминшунослик бўлимининг мудири, суханшунослик фанлари номзоди.

АТАМАЛАР БУРЧАГИ

аборт, мед. — исқот
адъютант — надим
апельсин — пўртахол
арсенал — аслаҳахона
архив — мухофизхона
астролог — мунажжим
астрология — мунажжимлик
астролябия — устурлоб
блокада — муҳосара, қуршов
буфет — емакхона, таомхона
бухгалтер — муҳосиб, ҳисобчи
бюстгалтер — сийнабанд
дотация — имдод
егерь — ўрмонбон
журнал — мужалла
зона — минтақа
инстанция — мақом
интервенция — мудоҳала
интервью — мусоҳаба
интибоҳ — огоҳлантириш
интонация — оҳанг
интуиция — илҳо
катар, мед. — назла
кафедра — 1 шўъба, бўлим 2 минбар
квартал — маҳалла
кофе — қаҳва
кризис — буҳрон
лаборант — азмойишкор
лаборатория — азмойишгоҳ
лагерь, ҳарб. — ордугоҳ
лицензия — имтиёзнома
ломбард — омонатхона
манифест — эълоннома
матрица, полигр. — қолип
матч — мусобақа
метафора — истиора, мажоз
метеорит — самотош
метонимия — кўчим
министр — вазир
министрлик — вазирлик
инспектор — мубошир
музей — музаҳона
параллел — мувозий
плаш — ёмғирпўш
поллюция — эҳтимол
проспект — шоҳкўча, шоҳроҳ
район — депара
рассом — мусаввир
студент — талаба
студентка — толиба
статус — мақом
текст — матн
текселог — матншунос
текстология — матншунослик
теология — илоҳиёт
термин — атама, истилоҳ
терминологик — истилоҳий
терминология — атамашунослик, терминшунослик
истилоҳот
территория — ҳудуд
участка — томорқа
филолог — суханшунос
филология — суханшунослик
формалист — зоҳирпараст
характер — феъл-атвор
характеристика — тавсиянома
цитата — иқтибос
эмигрант — муҳожир
эмиграция — муҳожирлик

● *МУШТАРИЙЛАРИМИЗ ХАТЛАРИДАН*

НЕФТЧИЛАР ОРОМГОҲИ

Андижон вилояти Жалолқудуқ ноҳиясидаги Ёрқишлоқда «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Нефтчи» шифохона-оромгоҳи ишга туширилди.

«Нефтчи» жумҳуриятимиздаги сўлим масканлардан бирида қад ростлади. Бу ернинг Қамбарота тоғи билан туташиб кетган ҳушманзара табиати, ажойиб тоғ ҳавоси, тоғдан шарқираб оқиб тушаётган муздек суви, кўп йиллик манзарали дарахтлари яхши таассурот қолдиради. Юз ўринли санаторий-профилактарий биноси замонавий меъморчилик чизмалари асосида қурилди.

— Биз шу вилоятдаги Жанубий Оламушук ва «Полвонтош» посёлкаларидан келтириладиган шифобахш сувлардан ҳам фойдаланамиз, — дейди бош врач Раҳимберди Маҳмудов. — Шунингдек, физиотерапия асбоб-ускуналари, шам-озекерит, массаж, айланма душ, қуруқ ҳаммом ёрдамида даволаймиз. Тез кунларда Жалолобод шаҳридаги курорт-дан шифобахш балчиқ олиб келамиз.

С. АБДУРАҲИМОВ.

УЗУМ ҒАРҚ ПИШДИ

Денов ноҳиясидаги «Тожикистон» совхозида ишлар айни қизиган пайт. Хўжаликнинг Ёқуб Шобердиев етакчилик қилаётган 4-бўлимидаги Рўзи Норчаев бошлиқ 5-бригада аъзолари ғарқ пишган узумларни йиғиштиришга тушдилар.

Бригада аъзолари мавжуд 68 гектар токзорнинг ҳар гектаридан 87 центнердан ҳосил олиш учун меҳнат қилишмоқда. Ҳосилни йиғиб олишда Ибодат Нарзиллаева, Дилмурод Одилов, Қўчқор Наврўзов, София Муртазаевалар-нинг ҳиссаси катта бўляпти. Уларнинг ҳар бири кунига 450-500 килограммдан узум узишмоқда.

М. МАВЛОНОВ,
Сурхондарё области.

моён қилди. Қардош халқлар дўстона ёрдамида республикамиз пойтахтида жами 1 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой бунёд этилди. Бугунги янги, навқирон ва гўзал Тошкент совет халқлари бузилмас дўстлиги, қардошлиги, ҳамкор ва ҳамжиҳатлиги кучининг улуғвор, жозибали монументидир.

СССР халқларининг тирикчилигини таъминлаб келаётган, маданий-маънавий эҳтиёжларимизни қондириш манбаи бўлмиш мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси ҳам ССРдаги барча миллат ва элатлар баҳамжиҳатлиги, аҳиллиги, байналмилал аҳд-паймонга содиқлиги мевасидир. Ундан мамлакатимиздаги барча халқлар баҳраманд бўлиб келдилар ва янгиланаётган федератив Иттифоқимиз шароитида бу баҳрамандлик янада кенг кўлам касб этади.

Олмаотада бўлиб ўтган беш иттифоқчи республика раҳбарлари учрашувида муҳим ҳужжатлар имзоланиб, анъанавий иқтисодий, маданий алоқаларни шу пайтгача бўлганидан яхшироқ, самаралироқ ривожлантиришга аҳд қилингани ҳам халқларимиз ўзаро муносабатларининг байналмилал моҳиятидан, умумий юксалишга эришиш йўлида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик мақсадларидан келиб чиққан қутлуғ қадамдир. Эртага бозор муносабатларига ўтиш масаласи объектив эҳтиёж сифатида кўндаланг бўлиб турган экан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг ўзаро иқтисодий муносабатлари, республикалар ўртасидаги шартномага асосланган муносабатлар катта аҳамият касб этади. Айтиш мумкинки, бутун федератив Иттифоқимизнинг истиқболи ана шундай муносабатлар йўлга қўйилиши ва ривожланишига боғлиқдир.

Бизга кўп муваффақиятлар келтирган, мушкулларимизни осон қилган, танг ҳолатларда ғалабани таъминлаган ҳамкорлигимиз, аҳиллик ва ҳамжиҳатлигимиз, байналмилал анъаналаримиз қайта қуриш душманларига ёқмай турибди, улар бу хислатларимизда ўз қора ниятлари йўлидаги қудратли ғовни кўрмоқдалар.

Шунинг учун ҳам улар хайрли ишларимизга халақит бериш, ўз шахсий нафсониятларини қондириш мақсадида, дўстлигимизга, байналмилалчилигимизга раҳна солиш ниятида бир миллатни иккинчисига гиж-гижламоқдалар. Улар халқ манфаатларидан жуда йироқ, миллатининг ҳам тайини йўқ экстремистлар, пинҳона иш кўраётган корчалонлар, босқинчи гуруҳлардан иборатдир. Сумгаит, Душанбе, Боку, Фарғона, Ўш воқеалари буни яққол кўрсатди. Қайта қуришга қарши бўлган, порахўр ва миллатчилик кайфиятидаги кимсалар мамлакатдаги, жумладан жумҳуриятимиздаги ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-психологик аҳволдан миллатлар ўртасига нифоқ солиш учун фойдаланишга, вазиятни тағин ҳам мураккаблаштиришга зўр бериб уринмоқдалар.

Бунга лоқайд қараб турилса, бепарво бўлинса оқибатларини олдиндан айтиш жуда қийин бўлган, кутилмаган можаролар, хунрезликлар келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Айни шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида мамлакат Президенти «СССР Қонунларида кўзда тутилмаган қуролли бўлинмаларни тузишни таъқиқлаш ва қурол-яроғлар ғайри қонуний тарзда сақланган ҳолларда уларни тортиб олиш тўғрисида» Фармон чиқарди. У яқинда матбуотда эълон қилинди. Мазкур Фармон совет халқининг осойишталиги, тинч яшаши ва хотиржам меҳнат қилиши, кексалар ороми, фарзандларимиз ҳаловати бузилмаслиги ташвиши билан йўғрилган. Шунинг учун Фармонда ташвиш туғдираётган муаммо юзасидан аниқ ва кескин чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Президентининг ушбу Фармонини рўёбга чиқаришга қаратилган қарори ҳам кечагина матбуот орқали оммага етказилди. Унда айтилишича, Президент Фармонини рўёбга чиқаришга оид шошилинч тадбирлар режаси тасдиқланган. Жумҳурият ҳукуматининг қарори фуқаролар-нинг СССР Конституцияси гарантиялаб берган ҳуқуқларини, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Мамлакат Президентининг юқорида тилга олинган Фармони ва жумҳуриятимиз ҳукуматининг унга доир қарорининг бажарилиши аниқ ва қаттиқ назорат остида бўлади.

Ҳозир мамлакатда тартиб, осойишталик бўлиши учун ана шундай кескин чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлинаётган бир пайтда, халқ ибораси билан айтганда, дўппини олиб қўйиб, чуқур ўйлаб кўрадиган вақт келди. Мамлакатимиз, шу жумладан жумҳуриятимиз оғир вазиятни бошдан кечираётир.

Аммо мушкулликлар, кўнгилсиз манзаралар, мураккаб муаммолар олдида саросимага тушмаслигимиз, ақлимизни хиралаштирувчи эҳтиросларга берилаётган гуруҳлар ижросига учмаслигимиз керак. Биз бунга ўзимизнинг аҳиллигимизни, дўст-биродарлигимизни, байналмилал эътиқодларимизни қарама-қарши қўйишимиз лозим. Уруш-жанжал, миллатларнинг тўқнашувларини атайлаб келтириб чиқариш, бўлар-бўлмасга митингбозлик қилиш билан муаммоларимиз ҳал бўлиб қолмайди. Аксинча, улар мураккаблашади, янги чигал муаммолар пайдо бўлади, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлиши каби телба хатти-ҳаракатлар баттар мушкул иқтисодий, маънавий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Оқибатда қайта қуриш орқали инсон учун муносиб ҳаёт шароитларини муҳайё этиш, унинг қилган меҳнатига яраша яйраб, яшнаб яшаши учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратишдек эзгу, хайрли режаларимиз издан чиқади, куч ва имкониятларимиз парокандаликка учрайди, истиқбол уфқи биздан узоқлашаверади. Халқимиз бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деб бежиз айтмаган. Дастурхонимиз тўкинлиги, устимизнинг бутлиги, оиламизнинг тўқлиги аҳил-иноқлигимизга, ҳамкор-ҳамжиҳатлигимизга боғлиқдир.

Ана шуни теран мушоҳада қилиб, идрок этиб, турмушимиз ўз-ўзидан фаровон бўлиб қолмаслигини чуқур тушуниб, жумҳуриятимиз соф виждонли фуқаросининг ҳар бири ўз иш жойида фидокорлик кўрсатиши, дангасани ғайрат отига миндириши, лоқайдни инсофга чақириши, бебошни йўлга солиши, виждонсизни диёнатга етаклаши айни муддао бўлади. Шу билан бирга, иш жойидами, чойхона ва ошхонадами, жамоат транспорти ва томошахоналардами, хуллас одамлар жамланадиган манзилларда иғвогарлик қилиб, қилдан қийиқ ахтариб, миллий низо чиқаришга, одамларда норозилик туғдиришга, эҳтиросларни жумбушга келтириб, вазиятни кескинлаштиришга уринувчи экстремистларни, ёвуз ниятли гуруҳлар корчалонларини фош этиш, уларга қарши жамоатчилик фикрини кўзғаш лозим.

СССР Президенти Фармони ва уни жумҳуриятимизда рўёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарор одамлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди. Бу ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳукумат томонидан ишончли воситалар билан таъминланади, албатта. Лекин бунинг ўзигина етарли эмас. Айни пайтда барча онгли фуқароларнинг фаол мадади жуда-жуда зарурдир. Зотан ҳаёт шунга шоҳидки, ҳар қандай аниқ тадбирлар уларда одамларнинг асосий кўпчилиги қатнашгандагина, жон куйдирганидагина ҳақиқий натижа, самаралар бериши мумкин. Зеро доно халқимизнинг: Кўмаклашган иш — битар; Кўпдан кўп ақл чиқар; Кўпчилик бирикса — тоғни қулатар, деган ҳикматларининг асрлардан асрларга ўтиб келаётгани бежиз эмас. Бу ҳикматлар ҳаёт тажрибасида туғилиб, тарихда чексиз синовлардан ўтган.

Хуллас, одам яхшилик учун, бунёдкорлик учун туғилади, деган нақлни унутмайлик, шунга муносиб бўлайлик. Ғайрат-шижоатларимизни чинакамига ишга солиб, барча соғлом, яхши ниятли кучларни бирлаштириб, аҳиллигимиз, ҳамкор ва ҳамжиҳатлигимиз билан қайта қуришга мададкор бўлайлик.

ТЕРАН МАНБАЛАР

• Ибн Сино мадади

Ўрта Осиё халқлари бошқа Шарқ халқлари билан бир қаторда табобат фанининг тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Бизда бу фаннинг энг тараққий этган даври X—XI асрларга, яъни Ибн Сино (980—1037) даврига тўғри келади. Албатта, Ибн Сино каби буюк олимнинг вужудга келиши тасодифий бир ҳодиса бўлмай, балки кўп вақтлардан бери давом этиб келаётган маҳаллий илмий анъананинг маҳсули эди. Агар биз тарихимизга назар ташлар эканмиз, IX—XII асрларда Ўрта Осиёда ўнлаб йирик табибларнинг яшаб ижод этганлигини кўрамиз.

Фикримизнинг далили учун, улардан баъзиларининг, шунда ҳам илмий асарлари бизгача етиб келганларининг номини келтирамиз. Марв шаҳрида 808-йилда туғилиб ўсган йирик табиб Али ибн Раббан ат—Табарий «Фирдавс ал-ҳикма» («Ҳикмат боғи») номли тибга оид йирик асар ёзиб қолдирган; бу асар ўрта асрларда Шарқда яратилган дастлабки асл асарлардан бири бўлиб, унда инсон саломатлигини сақлаш ва унинг касалликларини даволашга оид маълумотлар тўла ёритилган.

Ибн Синодан олдин ўтган энг йирик табиб ва қимёгар Абу Бакр ар-Розий Эронда туғилиб ўсган бўлса ҳам, ўз илмий фаолиятида Ўрта Осиё илмий доиралари билан яқиндан алоқада бўлган. Унинг табобатга оид ўнлаб асарлари бизгача етиб келган ва уларнинг кўпи ўз тадқиқотларини кутиб ётибди.

Фан тарихида биринчи бўлиб қомус яратган ҳоразмлик Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бошқа фанлар қатори табобат фанининг ҳам истиқболларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган. X асрнинг иккинчи ярмида Бухорода туғилиб ўсган йирик табиб Абу Бакр Рабиъ ал-Бухорий табобат тарихида биринчилардан бўлиб, фарс тилида асар яратди. «Табобатни ўрганувчилар учун қўлланма» деб аталган бу китобнинг асл матни нашр этилган бўлса ҳам, у ҳали бирон бошқа тилга таржима қилинган эмас. Шу даврда Бухорода яшаб ижод этган бошқа бир машҳур табиб Абу Мансур ал-Қумрийнинг табобат тарихидаги хизматларидан бири шуки, у ёш ибн Синога табобатдан дарс берган. Унинг араб тилида ёзилган иккита асари бизгача етиб келган; уларни ўрганиш Ўрта Осиёда табобат тарихининг кўп жиҳатларини ёритишда катта аҳамият касб этади, жумладан ибн Сино давридаги тиббий ислоҳотларни ўрганишга катта ёрдам беради.

X асрнинг охири ва XI асрнинг бошларида Хоразмда ўтган Абу Саҳл ал-Масиҳий ҳам ибн Синонинг табобат соҳасидаги устозларидан бири ҳисобланади. Унинг бизгача етиб келган «Тиб санъатига бағишланган юз бобли китоб» номли асари ҳам қўлёзма ҳолида ўз тадқиқотчиларига интизор.

Тиб илмининг муҳим қисмларидан ҳисобланган доришунослик соҳасида ҳам Ўрта осиёлик олимлар самарали ижод этганлар. Буюк Абу Райҳон Берунийнинг «Сайдана» номли асари ўша давр доришунослиги ва ботаникаси тўғрисида энг тўлиқ маълумот берувчи манбаъ ҳисобланади, у 1973 йилда рус тилида нашр этилган эди, ҳозир унинг ўзбекча таржимаси тайёрланмоқда.

Ўрта асрларда табобат илмини энг юқори чўққиларга кўтарган ибн Сино бу соҳада 50 га яқин асарлар ёзган бўлса ҳам, улардан фақат 30 га яқини бизгача етиб келган.

Бизда Шарқ табобати тарихини жиддий равишда ўрганиш шу олимнинг асарларини таржима қилишдан бошланди. Маълумки, ўрта асрларда яшаган олимларнинг деярлик ҳаммаси ўз асарларини ўша даврда умумий илмий тил ҳисобланган араб тилида ёзганликларидан табобат тарихчиларининг ҳаммаси ҳам улардан фойдаланиш имкониятига эга эмас эдилар. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти ибн Синонинг «Тиб қонунлари»ни дунёда биринчи марта арабчадан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб 1954—61 йиллар мобайнида олти жилдда нашр этди. Бундан ташқари олимнинг яна тибга оид бошқа 14 рисоласи ҳам ўзбек тилига таржима қилиниб алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Шундан кейин табобат тарихига бўлган қизиқиш анча ортди ва турли ихтисосдаги тиббиётчиларнинг бу соҳадаги китоб ва мақолалари юзага келди.

Маълумки, бизда табобат тарихини тўлароқ ва ҳаққоний ёритиш учун биргина ибн Сино илмий меросини ўрганиш билан чекланиб бўлмайди. Балки бу соҳадаги тадқиқот доирасини кенгайтириш, яъни ибн Синодан олдин ўтган ва унга замондош бўлган, номлари юқорида зикр этилган олимларнинг ҳам асарларини қиёсий ўрганиш лозим.

Тиб илмининг кейинги даврдаги тараққиёти кўп жиҳатдан ибн Сино «Қонуни»нинг таъсири остида бўлган бўлса-да, бироқ Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва араб мамлакатларида етишиб чиққан кўплаб йирик олимларнинг бизгача етиб келган асарларини ўрганиш ва нашр этиш табобат фани тарихининг ҳали деярли ўрганилмаган даврларини ёритишда катта аҳамиятга моликдир.

Ибн Синодан кейин Ўрта Осиёда етишиб чиққан табиблардан айримларининг номларини эслатиб ўтамиз. Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган Илоқ вилоятидан чиққан атоқли табиб Шарафиддин ал—Илоқий ибн Синонинг шогирдларидан бири ҳисобланади. Унинг асарлари ўзидан кейин ўтган табиблар томонидан шарҳланган ва Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган эди. Ибн Синодан кейин ўтган табиблар ичида энг машҳури XII асрда Хоразмда ўтган Сайид Исмоил Журжонийдир. Унинг энг йирик асари «Зиҳираий Хоразмшоҳий» деб аталади ва ўн китобни ўз ичига олади. Форс тилида ёзилган бу асар бир вақтлар ибн Синонинг «Қонуни» билан бир қаторга қўйилган ва кейин табобат тарихига бўлган қизиқиш ортди. Самарқандлик табиб Бадриддин ал—Қалонисий ас-Самарқандийнинг бизгача етиб келган йирик асарларидан бири «Ақрабодин ал-Қалонисий» мураккаб дориларни тайёрлашга бағишланган ва у ҳам ҳозирча нашр этилмаган.

Бошқа бир самарқандлик табиб Нажибуддин ас-Самарқандийнинг (XIII аср) «Касалликларнинг сабаблари ва белгилари» номли асари ўз вақтида жуда машҳур бўлган ва унга Улуғбекнинг шахсий табиби Нафис ал-Кифмоний шарҳ боғлаган эди.

Мўғуллар даврида, ҳатто амир Темур ҳукмронлик қилган вақтда ўтган табиблар ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар деярли йўқ, фақат тарихий асарлардагина айрим табибларнинг номлари тилга олинди.

Институтимизда Темурнинг набираси Пир Муҳаммад Баҳодирга бағишлаб форс тилида ёзилган инсон анатомиясига оид қўлёзмаси сақланади.

Маълумки, Навоий Ҳиротда «Шифоия» номида бир касалхона бино қилиб, унда касалларни даволаш билан бирга табобатдан дарс ҳам берилар эди. У даврда яшаган бир неча табибнинг номлари турли манбаларда зикр этилса ҳам, уларнинг асарлари сақланиб қолгани ҳақида аниқ маълумот йўқ.

XVI асрдан бошлаб табобат фанида сезиларли жонланиш бошланади. Ҳиротда туғилган, кейинчалик Ҳиндистонга бориб Бобур ва Ҳумоюн саройларида табиблик қилган Юсуф ал—Ҳаравий тибга оид қатор рисолаларни форс тилида шеър билан ёзган ва улар Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда кенг шуҳрат қозонган эдилар.

Шайбонийлар даврида Самарқандда ва Тошкентда бир нечта табиблар яшаб ижод этган ва «Тазкирот ал—Каҳҳолин» ва «Шифо ал—алил» ва бошқа асарлари бизгача етиб келган.

Хива хони Абулғозий (XVII аср) томонидан ўзбек тилида ёзилган тиббий рисола ва аштархонийлардан бўлмиш Субҳонқулихон (XVII — XVIII асрлар) қаламига мансуб бошқа бир тиббий асар ҳам сақланиб қолган.

XIX асрда яратилган асарлар ичида таниқли шоир Жунайдулла Ҳозиқнинг ибн Сино «Қонуни»нинг айрим қисмларига форс тилида ёзган шарҳини эслатиш мумкин.

Биз юқорида зикр этган асарлар Шарқшунослик институтида сақланаётган табобатга оид қўлёзмаларнинг озгина қисмини ташкил этади холос. Умуман такрор нусхалар билан қўшиб ҳисобланганда институтимиздаги тиббий қўлёзмаларнинг сони 600 дан ошади. Уларни ўрганиш ва муҳимларини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этиш фан тарихи бўйича ишловчи манбашуносларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу асарлар фақат фан ва маданият тарихи нуқтаи назаридангина қимматли бўлмай, балки ҳозирги кунда ҳам айрим касалликларни даволаш учун амалий аҳамиятга эгадирлар.

У. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Беруний мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Болаларингизга ўқиб беринг

Салом

Мен саломман,
Саломман,
Оламдай бир
Оламман.
Мени айтиб
Юрганни
Одам қила —
Оламан!

Пойга

Пойгада қирқоёқдан
Қолиб кетгач тошбақа,
Менинг қирқта оёғим —
Йўқ-да деди унақа!

Қумри

Рубоб чалсам,
Қумри келиб
Қўнди дарахтга.

Қумрилар ҳам
Куйни яхши —
Кўрса керак-да!..

Бувижоним сўзлари

Бувижоним
Меҳмон бўлиб
Келдилар.
«Ўйнаб-кулиб
Юрибсизми?»
Дедилар.
Асал эди
Бувижоним
Сўзлари,
Яна асал
Келтирибди
Узлари.

Олқор ДАМИН.

Реклама ва эълонлар

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ
ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
кундузги ва кечки олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига
(тайёрлов бўлими)
1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига:
— камида икки йил меҳнат қилган халқ хўжалиги барча тармоқларининг илғор ишчилари ва колхозчилар ўзлари ишлайдиган корхона, ташкилот, муассасаларнинг йўлланмаси билан;
— СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни ўтаб қайтган ва олий маълумотга эга бўлмаганлар ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан қабул қилинади.
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига кирувчилар йўлланма берган корхона, ташкилот, муассасаларда охирги бир йил давомида узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига институтнинг барча факультетларига (архитектура факультетидан ташқари) физика, математика фанларидан, кимё-технология факультетига эса кимё ва математика фанларидан суҳбат натижаларига қараб ўтказилади.
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимини муваффақиятли тугатганлар институт кундузги ва кечки бўлимларининг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) тавсиянома, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, 3х4 см. катталикдаги 8 дона сурат.
Паспорт ва ҳарбий мажбуриятга онд ҳужжат шахсан кўрсатилади.
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 25 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
КИРУВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТ 11 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.
Машғулотлар 1 декабрдан бошланади. Ўқиш муддати — 8 ой.
КЕЧКИ БЎЛИМГА ҲУЖЖАТЛАР 20 СЕНТЯБРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Кирувчилар билан суҳбат 25 сентябрдан 30 сентябргача ўтказилади.
Машғулотлар 1 октябрдан бошланади. Ўқиш муддати — 10 ой.
Кирувчилар суҳбатдан ўтишларидан олдин МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА ва КИМЁ фанларидан консультация олишлари мумкин.
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига ушбу олий ўқув юртининг кундузги (қабул комиссиясининг қарори билан, шунингдек, кечки ва сиртқи) **бўлимига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган, лекин конкурсдан ўтолмаганлар, уларнинг иш стажидан қатъий назар, мутахассис тайёрлаш юзасидан олий ўқув юрти ва корхоналар ўртасида тузилган икки томонлама шартномага биноан шу корхона, ташкилот, муассасалардан юборилган ёшлар суҳбатсиз қабул қилинадилар.**
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимининг кундузги ўқиши институтнинг факультетларини таъминлаш учун махсус ташкил қилинган.
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.
Тайёрлов бўлимини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли тугатганлар ўз хоҳишига кўра институтнинг кундузги ёки кечки бўлимларининг 1-курсига қабул қилинадилар.
Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1989 ва 1990 йилларда тугатганлар меҳнат стажига эга бўлса ҳам олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига қабул қилинмайдилар.
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимига киришни хоҳловчилар қуйидаги манзилларга мурожаат қилишлари мумкин:
ЖИЗЗАХ шаҳри (кундузги ва кечки бўлим) **ТошПИнинг филиали.**
ТОШКЕНТ шаҳри (кундузги ва кечки бўлим) **Шайхонтовур кўчаси, 10-уй, 23-хона.**
ЧИРЧИҚ шаҳри (кечки бўлим) **Ломоносов кўчаси, 1-уй, Чирчиқ факультети.**
Олий ўқув юртига тайёрлаш ва касбга йўллаш бўлимининг қабул комиссияси.

«ВОСТОК» БАНКИ

7000 КАСАЛ БОЛАЛАРГА ЁРДАМ ЖУМҲУРИЯТ МАҚСАДЛИ ХАЙРИЯ ҲИСОБИ ОЧИЛГАНЛИГИНИ **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

МАЗКУР ҲИСОБГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— давлат ташкилотлари, кооперативлар ва аҳолининг вақтинча фойдаланилмаётган (ёки самарасиз фойдаланилаётган) маблағлари. Бу маблағлар бўйича «Восток» банки шунинг самарадорлиги билан белгиланадиган фоизлар ҳисоблаб борилади. Зарур ҳолларда депозит суммаси қайтариб берилганда фоизларнинг шартномаларга тегишли қисми омонатчига тўланиши мумкин;
— давлат ташкилотлари, кооперативлар даромадининг хайрия ҳисобига бегараз ўтказилган қисми. Бу маблағ бўйича солиқ олинмайди. Бу пул маблағлари бўйича «Восток» банки фоизлар бўйича олинган даромадларга ҳар кварталда Болалар фонди билан биргаликда ўта танқис ускуналар, медикаментлар, ўйинчоқлар ва бошқаларни харид қилади ва уларни бевосита даволаш муассасаларига юборади.

Хайрия ҳисобининг аҳволи тўғрисидаги «Восток» банкининг ҳисоботлари жумҳурият матбуоти саҳифаларида мунтазам ёритиб борилади.

Касал болаларнинг дардини енгиллатиш Сиз билан бизнинг қўлимиздан келишига ишонамиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фигельский кўчаси, 86-уй.

Телефонлар: 68-79-61, 68-79-62, 68-79-64.

• Янгиликлар, воқеалар, шарҳлар

«Совет Ўзбекистони» мухбирлари ёзадилар

• ЎТМИШ САДОСИ

ТАЪМИРЛАНАЁТГАН ОБИДА

Қашқадарё вилоятидаги қадимий Касби қишлоғида Султон Мир Ҳайдар ёдгорлигини қайта таъмирлаш бошланди.

Бугунгача Ўрта Осиёда ноёб ёдгорликлардан бири — XI—XVI асрларда яратилган бу обидаларга эътиборсизлик билан қараб келинди. Обидалар деярли вайронага айланди. Чунончи Номозгоҳ масчити экин майдони ўртасида қолган бўлса, Очиқ сардоба деярли кўмилаёзганди. Ёпиқ сардобанинг деворлари нурамоқда. Хуллас, Султон Мир Ҳайдар ёдгорлигининг бошқа обидалари ҳам тупроқ остида қолиши кўриниб турарди. Хайрли ишга қўл урилди. «Қаршистрой» бирлашмасининг 9-механизациялашган кўчма колоннаси ҳузурида ташкил этилган «Қурувчи» кооперативи бунёдкорлари иш бошлаб юбордилар.

— Қайта қуриш туфайли маданий меросларимиз тикланяпти, — дейди кўчма колонна бошлиғи Олим Каримов.— Султон Мир Ҳайдар ёдгорлиги тикланмоқда. Бунга 110 минг сўм маблағ ажратилган эди. Албатта, бу етарли эмас. Қарийб 100 минг сўмлик иш бажарилди. Бу ишда шаҳрисабзлик уста Баҳодир Қурбонов бошлиқ таъмирловчилар ғайрат кўрсатишмоқда.

М. КАРОМОВ.

• ҲАМКОРЛИК

ЎЗАРО ШАРТНОМА АСОСИДА

Бухоро вилоятининг Свердлов райони марказида Швейцария, Италия, Венгрия фирмалари билан ҳамкорликда қурилаётган консерва заводида созлаш ишлари якунланмоқда.

Сармояси 200 миллион доллардан зиёд бўлган чет эл уюшмаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Консерва заводи мазкур уюшманинг мамлакатимизда қураётган дастлабки заводидир. Ҳар соатда 10 тонна помидорни томат пастасига айлантириш қувватига эга бўлган автоматлаштирилган линия август ойининг ўрталарида фойдаланишга топширилади. Тузилган ўзаро шартномага мувофиқ минг тонна томат пастаси топширилгандан кейин корхона район мулкига айланади. Бундай қайта ишлаш корхонасини вилоятнинг бошқа хўжаликларида ҳам барпо қилиш кўзда тутилган.


Н. НАИМОВ.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ДАВРА БОШИДА

Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи давраси ўйинларини бошлашди. Зеро, фахрли ўринларни эгаллаб турган айрим коллективлар имкониятни бой беришди. Чунончи, пешқадам бўлиб турган спартакчилар сафарда «Геолог» коллективига (1:2) ютқизиб қўйдилар. «Металлург» футболчилари эса аксинча мавқеларини мустаҳкамлашди. Улар «Факел» командасидан 5:1 ҳисобида устун келиб, очколарини 28 тага етказишди. Ставрополь динамочилари билан пойтахт темирйўлчилари учрашувларни сафарда ўтказиб, ўз ҳисобларига биттадан очко ёздилар. Динамочилар «Зенит», темирйўлчилар «Таврия» майдонида ўйнашди. «Пахтакор» футболчилари эса давра бошида қимматли очко йўқотдилар. Футболчиларимиз Сухуми динамочилари майдонида дарвозадан жавобсиз иккита тўп ўтказиб, бир поғона пастлашди. «Шинник» 25 очко билан тўртинчи ўринга кўтарилди.



НАМАНГАН. Меъморчилигимиз обидаси — «Мулла қирғиз» мадрасаси биносида махсус китоб магазини очилди. Бу ерда эски ўзбек, араб, турк ва форс ҳамда бошқа тилларда чоп этилган китоблар қабул қилиниб олинади, тикланади ҳамда халққа сотилади.

ЎзТАГ суратқаш мухбири А. КОВТУН бу лавҳани шу магазинда олган. Харидор Х. Ҳожиев (ўнгда) ва магазин мудири Ж. Умурзоқов ўзаро мулоқотда.

• Ташвишли сигнал

Чанқадингизми?

ЁКИ НУКУС ПИВО ВА СПИРТСИЗ ИЧИМЛИКЛАР ЗАВОДИНИНГ АНИҚ ГРАФИК АСОСИДА ИШЛАМАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Саратоннинг жазирама иссиғида чанқоқбосди ичимликлар кўпроқ асқотиши табиий. Лекин Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти шаҳар ва районларида бўлганимизда газ сувидан бошқа ичимликларнинг савдо шахобчаларида йўқлигини кўриб ажабландик.

Очиғи, магазинларда на минерал сув, на лимонад бор. Пивони-ку умуман гапирмаса ҳам бўлади. Хўш, бунга сабаб нима? Нега айни ёзнинг жазирама кунларида ичимлик сув камайиб кетди? Мазкур саволларни бир қатор шаҳар ва районларнинг савдо ташкилотлари раҳбарларига берганимизда, уларнинг кўпчилиги Нукус пиво ва спиртсиз ичимликлар заводининг аниқ график асосида ишламаётганидан ва ўз вақтида маҳсулот етказиб бермаётганидан нолиб гапиришди. Шундан кейин биз мазкур заводда бўлиб, аҳвол билан танишдик.

Сирасини айтганда, завод ойлик план-топшириқларни бажариб келяпти. Бироқ шиша идишларнинг етишмаслиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришиб бўлмаяпти. Пировард натижада эса завод ишчилари савдо корхоналарига кунига 100 минг шиша чанқоқбосди ичимлик ўрнига 45—50 минг шиша ичимлик сув етказиб беряпти, холос.

— Тўғри, ишимизда анчагина камчиликлар бор, — дейди завод директори В. Ким. — Лекин асосий сабаб — шиша идишларнинг ва яшикларнинг етишмаслигидир. Шуни ҳам айтиб ўтишим керак, савдо корхоналари ўз вақтида бўш идишларни келтириб беришмаяпти. Бу соҳада Қорақалпоғистон АССР Савдо мухтор жумҳурият матлубот кооперацияси жамиятлари амалий ёрдам кўрсатмаяптилар. Кооператив йўл билан шиша йиғишимиз ҳам деярли самара бермаяпти. Автомашина ва тележкалар камлиги туфайли кооперативчиларимиз кунига атиги 3—3,5 минг дона бўш шиша идишларни йиғиб келишяпти.

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мухтор жумҳурият олдида турган энг муҳим муаммолардан биридир. Лекин Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети масъул раҳбарларининг айби билан мухтор жумҳуриятда барпо этилиши лозим бўлган лойиҳа қуввати 3,5 миллион сўмлик пиво ва спиртсиз ичимликлар заводи қурилиши ҳалигача бошлаб юборилгани йўқ. Аслида янги объект учун жой ажратилиб, лойиҳа-смета ишлари бажариб қўйилган. Фақат ишни дадиллик билан бошлаб юбориш қолган, холос.

Бироқ Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети қошидаги капитал қурилиш бошқармаси мутасаддилари ҳанузгача юқоридан буйруқ кутиб туришибди. Тўғриси, мазкур завод қурилиши тезроқ бошланмас экан, чанқоқбосди ичимликлар масаласи муаммолигича қолаверади.

Ҳозир Қорақалпоғистондаги экологик вазиятни бошқа вилоят ёки жумҳуриятлардаги аҳвол билан солиштириб бўлмайди. Шуни била туриб, аҳолини спиртсиз ичимликлар билан таъминлаш ишига бефарқ қараётганлар фаолиятини қандай баҳолаш мумкин? Ахир, халқ манфаатини ўйлаш уларнинг бурчи бўлиши керак-ку. Наҳотки, ҳалигача турғунлик йиллари услубларидан воз кечмаган бўлсак?

Ўйлаймизки, Қорақалпоғистон АССР даги дахлдор ташкилотлар раҳбарлари бу саволларга ўз вақтида жавоб беришади ва аҳволни ўнглаш учун тегишли чоралар кўришади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР телекўрсатуви ва радиоэшиттиришлар Давлат қўмитаси бадиий жамоалари, Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблининг хонандаси Нафиса Қудратилла қизи Тўхтаевага отаси

Қудратилла ТОШХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат вазирлиги коллегияси, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари иттифоқ аҳамиятидаги пенсионер, Жумҳурият ўқув ишлаб-чиқариш комбинати директори Г. Н. Насриддинова онаси

Турсуной НАСРИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. Р. Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти Бандихон тажриба хўжалигининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Қ. Қўзимуротова рафиқаси

Нусратой ҚЎЗИМУРОТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ташгорстрой» ҳудудий қурилиш бирлашмаси пардозлаш трести жамоаси 24-қурилиш бошқармасининг бошлиқ ўринбосари М. М. Аҳадовга отаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Муҳиддин Ҳожи АҲАДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 178.

ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12